

## ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАДА РУҲИЯТНИНГ САҚЛАНИШИ ВА ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ



**Аидахон Мергановна БУМАТОВА**

Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси  
ўқитувчиси

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

[aidakhon.uzb@mail.ru](mailto:aidakhon.uzb@mail.ru)

### Аннотация

Маърузада шеърий матн руҳиятини ташкил этувчи асосий унсурлар, уларнинг таҳлили ва таржимада сақланиш қонуниятлари муҳокама қилинган.

### Abstract

The report discusses the main elements and formation of a poetic spirit, their analysis and translation characteristics.

### Аннотация

В докладе рассматриваются основные элементы, создающие поэтический дух переведенного стихотворения, анализ этих составляющих и особенности перевода.

**Калит сўзлар:** шеърий таржима, лингвопоэтика, ритм, шакл, мазмун.

**Keywords:** poetic translation, linguopoetics, rhythm, form, meaning.

**Ключевые слова:** поэтический перевод, лингвопоэтика, ритм, форма, смысл.

Таржима халқларни боғловчи кўприк, турли маданиятларни боғлаб турувчи восита, сеҳргарлик ва маърифатнинг учқур отлари сифатида кўплаб таърифларга эга. Бизнинг наздимизда эса, таржима ҳар қандай асарнинг кенг дунёдаги ҳаёт-мамот масаласини белгилаб берувчи воситадир. Биз бугун севиб ўқийдиган, илҳом оладиган, иқтибос келтирадиган жаҳон адабиётининг нодир асарларининг ҳаммаси ҳам, кенг жаҳонга ўзларининг таржималари туфайли танилган эмасми? Масала, Петрарка ва Шекспирнинг сонетлари, шоирларнинг илҳомидан яратилган эди. Аммо, уларни италян ва инглиз тилларидаги нусхалари мазкур тилларни билмаган кишиларда бирор бир қизиқиш ўйғотиб, бугунгидек қадрланиши жуда мушкул. Бу икки буюк шоир, ҳеч шубҳасиз, айнан таржима санъати ва таржимоннинг маҳорати туфайли дунё халқлари орасида ҳанузгача шу қадар сеvimли ва ардоқли.

Матнлар таржимаси ҳам ўз навбатида матннинг услубидан келиб чиққан ҳолда осон ёки қийинроқ бўлиши мумкин. Ўқувчи ёки тингловчига воқеа-ҳодисалар, фактлар ва далиллар ҳақида дарак берувчи информатив



матнларнинг асосий вазифаси хабар етказиш бўлса, адабий-ижодий матнларнинг асосий вазифаси ўқувчини реал ҳаёт кучоғидан, ҳаёлот ва тасаввур оғушига улоқтиришдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, информатив матнларда, лўнда ва қисқа нутқ бирликлари ва “қуруқ” баён қўлланилади, адабий асарлар тилининг асосий қисмини эса, мажоз, стилистик бирликлар ва эстетик завқни таъминлайдиган қурилмалар қўлланилади. Ҳаммамизга яхши маълумки, эстетик таъсир этишга қаратилган бирликлардан тузилган матн таржимаси, авваламбор, ўзининг услуби қурилиши туфайли, оддий хабар мазмунли матн таржимасидан қийинроқ бўлади. Шу каби таржималардан бири бу шеърий матн таржимасидир.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, шеърий таржимани амалга ошириш учун, таржимон нафақат маҳоратли сўз устаси, балки ўзи ҳам шоир бўлиши лозим. Таржимон ҳар иккала тилнинг чуқур билимдонигина бўлиб қолмасдан, иккала халқ маданияти ва поэзиясидан ҳам яхшигина хабардор бўлиши талаб этилади. Ниҳоятда мураккаб жанр сифатида шеърий таржима ижодкордан катта маҳорат, юқори савия ва билимни талаб қилади. Бир гуруҳ олимлар таржимани бир тил бирликларининг бошқа тил унсурлари билан алмаштириш деб тасаввур қилса, бошқалар учун, бу илҳом талаб қиладиган ижодий жараён дидир. Шеърий асарни бир тилдан бошқа бир тилга ўгириш мумкин эмас деган қараш мавжуд бўлсада, назм таржимасининг шинавандаларини бир муддата ҳам ундан воз кечмаганлар. Қуйида атоқли инглиз шоири Байроннинг “Lines written in an album, at Malta” шеъри, ҳамда унинг немис, рус ва ўзбек тилларига қилинган таржималари мисолида юқоридаги фикрларимизнинг нечоғлик асосли эканини амалда кўрамиз. Шеър саккиз мисрадан иборат. Қофияланиш тузилиши: а-б-а-б; в-г-в-г;

Byron - “Lines written in an album, at Malta (2):

*As o'er cold sepulchral stone  
Some name arrests the passer-by:  
Thus, when thou view'st this page alone,  
May mine attract the pensive eye!  
And when by thee that name is read,  
Perchance in some succeeding year,  
Reflect on me as on the dead,  
And think my heart is burned here.*

**Сўзма-сўз таржимаси:**

*Ҳудди совуқ қабр тоши узра  
Баъзи исмлар йўловчиларнинг нигоҳин тортар:  
Шундай қилиб, сен бу варақни ёлғиз кўрганингда,  
Меники зийрак нигоҳингни тортсин!*

*Ва сен томонингдан ўша исм ўқилганда,  
Тасодифан келажак йилларнинг бирида,  
Эсла мени ўлган инсон каби,  
Ва ўйлаки, менинг қалбим шу ерда ёқиб юборилган.*

Мазкур шеър жуда чиройли ва жонли тасвир ва ўхшатишлар асосига қурилган ва хитоб кўринишида ёзилган. Шоир совуқ қабр тошлари узра ўйиб ёзилган баъзи бир исмлар, йўловчиларнинг эътиборини тортиб қолгани каби, сен ҳам шу варақни ёлғиз варақлаганингда, сенинг ўйчан кўзингни менинг исмим ҳам шундай тортсин дея хитоб қилмоқда. Келажакда тўсатдан менинг исмимни ўқиган чоғингда, мени ўтган одамни эслагандек ед эт ва менинг юрагим шу ерга дафн этилган дея бил демоқда. Шу ўринда, шоир ўзини вафот этган одам сифатида қайд этмаётганига эътибор қилишимиз зарур. У шунчаки, ўзини вафот этган одамни эслаган каби эсланишини хохлаяпти. Бу образ, биринчидан, биринчи мисрадаги қабр тоши ва гўристон мавзусининг мантиқий давоми бўлса, иккинчидан, дунёдан ўтган одам, йиллар ўтгани сари, ҳар куни эмас, ҳар ҳар замонда бир эсланиб кўйилади. Аммо, шу эсланишда уни фақат яхши гап ва илиқ ҳислар билан хотирлайдилар. Шоир мазкур шеърда худди мана шу ҳолатга ишора қилмоқда.

Шеърнинг немис тилига қилинган таржимаси (3):

*Wie auf dem kalten Grabessteine  
Ein Namen zu dem Wandrer spricht,  
So mög' auf diesem Blatt der meine  
Einst fesseln deiner Augen Licht.  
Und fällt in, späteren Perioden  
Der Namen neu ins Auge dir,  
So denk an mich als einen Toten  
Und denk sein Herz begrub er hier!*

**Сўзма-сўз таржимаси:**

*Худди совуқ қабртоши узра,  
Бир исмни ўтиб кетаётган одамга сўйлайди.  
Худди шунингдек қоғоздаги меники ҳам майли,  
Қачонлардир сенинг нурли кўзингни асир этсин.  
Ва кейинчалик тушади,  
Янги номлар сенинг кўзингга.  
Шундай қилиб, мен ҳақимда ўлик каби ўйла,  
Ва ўйлаки, унинг юраги шу ерга кўмилган!*

Таржимада Байрон томонидан белгилаб берилган шакл сақланган. Таржима матни худди аслият каби саккиз мисрадан иборат ва қофияланиш парадигмаси ҳам сақлаб қолинган: а-б-а-б; в-г-в-г;. Шеърнинг маъновий қисмида эса, баъзи бир лексик трансформациялар мавжуд. Хусусан, иккинчи мисрадаги “arrests” (“to arrest” бу контекстда - “эътиборни жалб қилмоқ”) немис тилига “spricht” (“sprechen” - “гапирмоқ”) кўринишида ағдарилмоқдаки, бу билан, қабр тошидаги ёзувлар “тилга кирмоқда”. Инглиз тилида қўлланилган “alone” сўзининг тушуриб қолдирилиши натижасида, шоир яратган ёлғизлик концепти тўлиқ очиб берилмаган; шоир тасвирлаётган қаҳрамон, руҳан шу қадар чарчаганки, у бир муддат хотиралари билан ёлғиз қолиши керак. (Аминмизки, бу ҳолат жуда кўпчиликка таниш.) Аслиятдаги “pensive eye” бирикмаси, немис тилига “deiner Augen Licht” кўринишида, генерелизация усулида таржима қилиниши, бошланғич маънони сақлаб қололмаган. Яъни, хотираларга кўмилиб ўтирган инсон, деярли унутилиб кетган расмга кўзи тушиб қолганда, унинг юрагида ҳам қувонч, ҳам алам бирлашиб, вақт тушунчаси ғойиб бўлади. У гуёки расмга қараб турибдику, аммо ҳаёлан аллақачон тарихга, шу расм абадий ўзида муҳрлаган ўтмишга қайтгандир. Шоир томонидан қўлланилган “pensive eye” бирикмаси айнан шу ҳолатни тасвирлашга қаратилган. Иккинчи тўртликда ҳам, таржимон томонидан маълум бир “янгиликлар” киритилмоқда. Аслият матнидаги “that name” бирикмаси ўрнига таржимада “Der Namen neu” (“янги исмлар”) қўлланилиши, аслият концептидан таржимани бироз узоклаштирмоқда. Тўғри, орадан анча вақт ўтган, машуқанинг ҳаётида, “янги исмлар”нинг пайдо бўлиши табиийдир. Бироқ, шоир, – бошқалар билан таққослаган ҳолда эсланишни мақсад қилмаган; бошқа ошиқларнинг бор-йўқлиги, бизга маълум эмас. Шоирнинг исми, кутилмаганда, тўсатдан кўзга тушиб, машуқанинг дилини ларзага келтириш керак эди. Охирги икки мисрада, шоир ўзини мажозий маънода “ўлдириб” қалбини ёқиб юбормоқда – “burned” (to burn - ёқмоқ). Таржимада, қалб, кўмилмоқда – “begrub” (begraben).

Умуман олганда, шеър яхши таржима қилинган. Ҳар икаала тилнинг ўзаро яқинлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, таржимада, оҳангдорликни сақлаб қолишга ҳам эришилган.

Қуйида, шеърнинг рус тилига қилинган таржималарини келтирамиз. Ф.И. Тютчев таржимаси (4):

*Как медлит путника вниманье  
На холодных камнях гробовых,  
Так привлечет друзей моих  
Руки знакомой начертанье!  
Через много, много лет оно*



*Напомнит им о прежнем друге:  
“Его уж нету в вашем круге;  
Но сердце здесь погребено!..”*

Таржимада аслиятнинг шакли сақланган. Таржима матни худди инглиз тилидагидек саккиз мисрадан иборат бўлсада, қофияланиш парадигмаси ўзгариб кетган: а-б-б-а; в-г-г-в. Аслиятдаги “cold sepulchral stone” бирикмаси таржимада “хладных камнях гробовых” кўринишида берилмоқда. Таржимада “Some name” бирикмаси тушириб қолдирилган, унинг ўрнига тўрчи мисранинг охирида “May mine” бирикмаси билан умумийлаштирилган ҳолда “Руки знакомой начертанье” бирикмаси киритилган. “Thou” сўзи эски инглиз тилига мансуб бўлиб, грамматик нуктаи назардан иккинчи шахс бирликни англатадиган кишилиқ олмошидир. Таржимада эса унинг “друзей моих”, ва “их” кўринишига келтирилганини кўришимиз мумкин. “Some succeeding year” бирикмаси Ф.И. Тютчев таржимасида “Через много, много лет” кўринишида гиперболани қўллаган ҳолда таржима қилаинган. Аслиятдаги “view'st this page alone” бирикмаси, таржимада тушиб қолган. Умуман олганда, таржимада шоир исмининг айнан қаерга ёзилгани ҳусусида ҳеч бир сўз айтилмаган. Бу нарса албатта аслият маъносидан таржиманинг маъносини узоқлаштиради. Ўқувчида нега айнан шеърнинг номи “К альбому” деб аталган экан, альбомнинг шеърга нима алоқаси бор экан деган таассурот уйғониши мумкин. Энг муҳими таржимада шоирнинг аслият матнида “дунёдан ўтгандек” деган маъноли мисраси, таржимада “дунёдан ўтган” кўринишига келмоқда. Ва ниҳоят, юқорида таъкидлаганимиздек шеър Байрон томонидан тингловчига нисбатан тўғридан тўғри хитоб кўринишида ёзилган. Таржимада эса, унинг хитоби кўчирма гап кўринишига келтирилган, ҳамда хитоб маъноси оддий дарак кўринишига келтирилган.

М.Ю. Лермонтов таржимаси (4):

*Как одинокая гробница  
Вниманье путника зовет,  
Так эта бледная страница  
Пусть милый взор твой привлечет.  
И если после многих лет  
Прочтешь ты, как мечтал поэт,  
И вспомнишь, как тебя любил он,  
То думай, что его уж нет,  
Что сердце здесь похоронил он.*

Таржимада аслиятнинг шакли сақланмаган, аслиятдаги саккиз мисра, рус тилига тўққиз мисра ҳажмида ўтган. Қофияланиш парадигмаси

Ўзгариб кетган: а-б-а-б; в-в-г-д-г. Таржиманинг биринчи банди аслият матнининг маъносини жуда яхши акс этган. Стилистик нуқтаи назардан таҳлил қилсак, шоир томонидан “cold sepulchral stone” бирикмасининг айнан “одинокая гробница” сифатида берилиши, қабрнинг тасвирига жуда мос келади. Шоир “Some name” бирикмасини генерализация усулида таржима қилиб, уни юқоридаги “гробница” сўзининг маъносига қўшиб юборган. Аслиятдаги “pensive eye” ибораси, Ф.И.Тютчевнинг таржимасида синекдоха усулидан фойдаланилган ҳолда – “друзей” деб берилган бўлса, иазкур таржимада бу ибора “милый взор” ибораси билан ўгирилган. Шу ўринда, шоир томонидан кўзга нисбатан айнан “pensive” сифатининг ишлатгани хусусида тўхталсак. “Pensive” сўзининг луғавий маъноси – “ўйчан”, “хаёлчан”, “бирор нарсага жиддийлик, чуқур мушоҳада ва бироз ғамгинлик билан назар солиш”дир. Рус тилнинг стилистик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, М.Ю.Лермотовнинг қўллаган “милый” сўзи, “pensive”нинг деннотатив синоними бўлмаса ҳам, жуда ҳам чиройли коннотатив синонимия ҳосил қилмоқда. Таржиманинг иккинчи бандида М.Ю. Лермонтов нисбатан эркин таржимани амалга ошириб, шеърдаги “And when by thee that name is read” мисрасини рус тилига “Прочтешь ты, как мечтал поэт, И вспомнишь, как тебя любил он” кўринишида таржима қилади. Аммо иккинчи банднинг охирги икки мисраси аслият матни маъносини жуда яхши қамарб олган.

Шукрулло таржимаси (1, Б.13):

#### **Альбомга**

*Йўловчилар эътиборини*

*Якка қабр тортгандек бир дам,*

*Шу бир парча қоғоз бетлари*

*Кошки тортса нигоҳингни ҳам.*

*Узоқ йиллар ўтгач, бир замон,*

*Шу варақни ўқиганинг он,*

*Шоир нени орзу қилганин*

*Ва эсларсан қагдай севганин.*

*Билки, шунда топгайсан уни,*

*Шу қоғозга кўмган қалбини.*

Таржимада аслиятнинг шакли сақланмаган, аслиятдаги саккиз мисра, ўзбек тилига ўн мисра бўлиб ўтган. Қофияланиш парадигмаси ўзгариб кетган: а-б-в-б; г-г-д-д; е-е. Шукруллонинг таржимаси рус тилига қилинган М.Ю. Лермонтовнинг таржимаси воситасида қилингани шеърнинг маъносидан ҳам кўриниб турибди. Рус тилига “бледная страница” деб ўгирилган “page alone” бирикмаси ўзбек тилига “бир парча қоғоз бетлари”



сифатида ўғирилган. Бир парча қоғоз деганда одатда қоғознинг кичикроқ бир бўлаги тушунилади. Яни, бир парча қоғознинг ҳажми ўзи кичкина бўлади. Шу сабабли ҳам, ўзи кичкина бўлган бир парча қоғознинг бетларини тасаввур этишда ўқувчи маълум бир маънодаги когнитив диссонансни ҳис этиши мумкин. Шукрулло ҳам М.Ю. Лермонтовга эргашиб, таржима матнига аслиятда мавжуд бўлмаган “Шоир нени орзу қилганин, Ва эсларсан қандай севганин” мисраларини киритади. Аммо шеърнинг охириги мисраларида Шукруллониинг шоирлик маҳорати жўш уриб, рус тилига қилинган таржимада берилган “То думай, что его уж нет”, - мисрасини “Билки, шунда топгайсан уни” мисраси билан ўгиради. Албатта Шукруллониинг таржимаси бевосита эмас, рус тили орқали қилинган билвосита таржима бўлгани сабабли, аслият матнидан чекинишлар мавжуд. Аммо, аслият матнини кўрмасдан туриб, М.Ю. Лермонтовнинг таржимасига қўшилган ўзгартиришларни у аниқлай билиши мумкин ҳам эмасди, албатта (2, б. 85).

Кўриб турганимиздек, таржима жараёнида биринчи навбатда, аслият матни билан бевосита ишлаў жуда муҳимдир. Иккинчидан, аслият матнини тўғри талқин этиш, яратилажак таржиманиинг нечоғлик тўғри бўлишини белгилаб берар экан. Таржима амалга оширилаётган тиллар орасида яқинлик ҳам, таржима жараёнида анча ёрдам беради. Аслият матнидаги руҳиятни кўчириб беришнинг яна бир усули, бу матндаги образларни тўғри талқин қилиш экан. Бир сўз билан айтганда, шеърин таржимани амалга ошириш жараёнида, таржимон кенг дунёқарашга эга бўлиши, ҳам тилшунос, ҳам адабиётшунос, ҳам шоир ва маданиятшунос бўлиши лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Байрон, Жорж Гордон. Ушалмаган орзулар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 152 б. (Жаҳон шеърини дурдоналари)
2. Буматова А.М. Шеърин матн талқини, таржимаси ва лингвопозэтика// Хорижий филология. 4 (61)/2016 Самарқанд давлат чет тиллар институти, – 111 б.
3. <http://gutenberg.spiegel.de/buch/gedichte-6666/4>
4. <http://ruthenia.ru/byron/html>